



Назар Эшонқул

ШАМОЛНИ ТУТИБ БЎЛМАЙДИ

Юз йилдан бери терсоталикларнинг ғурури ва фахри бўлиб келган, замонавий қилиб қурилган равоқли уйлар қаршисида юздаги чипқондек қишлоққа кўримсизлик ва кексалик бағишлаб турган, номаълум ва мудҳиш синоатларга тўла қадим кўрғонни эслатувчи Байна момонинг уйини худди унутишга ва йўқ қилишга маҳкум этилган хотирадек ниҳоят бузиб ташлашга киришишди: темир тирноқли булдозерлар уйнинг деворларини қулатар эканлар, уй билан қўшиб, ўзларининг ҳам нималаринидир бузиб, вайрон қилишаётгандек, терсоталиклар бир чеккада жимгина кузатиб туришар ва нақ эллик йилча тақдирнинг бешафқат ўйинига қарши кураша-кураша дунёдан ёлғиз ва изсиз ўтиш азобини кўтариб келган, ҳаёти ўзларига ҳамон тушуниқсиз ва мавҳум туюладиган Байна момони эслаган аёллар кўзларига ёш олиб, болаларини бағирларига босганча, олис ва ғамгин хотираларга берилиб, мунғайган алфозда ўтирардилар.

Байна момо тириклигида, гарчи бу аёлларни, эрининг полвонлик лаш-лушлари ва кийим-кечаклари ётган, полвонниг ўлиmidан сўнг ҳечқачон чироқ ёнмаган, туйнуғи шуваб ташланган ана у ҳужра каби қоронғу мусибат тўла уйи ичкарасига киритмаган бўлса-да, улар қаҳр ва ғазабини ситам билан ичига ютиб келган бу кампирни ҳурмат ва эҳтиром билан эслашарди. Бу уй Терсотада қурилган биринчи уйлардан эди ва Райим полвоннинг отаси Шукур оқсоқол бундан бир аср муқаддам туғилажак фарзандларига кенг уй ва йилдан-йилга кўпайиб бораётган йилқиларга отхона солиш мақсадида Терсота сойининг октобрўясига қишлоқнинг биринчи пойдеворини қурганди. Райим полвон эса отасининг ишини давом эттирди: уйнинг орқасида боғ барпо этди ва отхона ёнида қирга туташтириб, ёзнинг жазирамасидан гўшт ва ёғларни, қимиз ва айронларни асраш учун кенг ертўла, уйнинг олдида тошдан баланд супача, от кириб чиқадиган узун, устундор айвон қурди. Байна момо эллик йилга яқин ёлғизлик даврини ана шу айвондаги устунларга суяниб ўтказди: у эри ва ўғлининг жудолик азоби қийнаган пайтлар шу устунларни қучганча йиғларди. Кейинчалик кўз ёшлари ҳам тугаб қолгач, ҳаётида гўё суянчиғи ва орқасидан йиғлаб қоладигани йўқлигини одамлардан яшириш учун ёки энди йиллар силсиласига дош беролмай путурдан кетаётган уйни буткул вайрон бўлишдан асраб қолмоқчидек, елкасини устунга суяган ҳолатда хотирасининг синиқ парчаларига тикилиб, кўзларини юмганча ғамгину мустағриқ ўтирарди.

Райим полвоннинг ўлиmidан кейин туғилган ва у ҳақда кейинчалик буткул эсларидан чиқиб кетган чўпчакларнигина эшитиб улғайган авлод уйларини равоқли ва пишиқ ғишдан кура бошлагач, бир пайтлар Терсотанинг кўрки ва ғурури бўлиб турган бу уй бирдан кўримсиз қиёфага кирди ва энди Байна момо каби уй ҳам қишлоқдаги уйлар олдида ёлғизланиб қолганди: фақат бири-бирини босиб-туртиб кириб келаётган шошқолоқ йиллар бу авлоднинг